

## ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДА БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ 30 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Турсунов Қ.С.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

### ✓ Резюме

Мақолада Абу Али Ибн Сино таълимоти ва қолдирган бой илмий ҳамда маънавий мероси таҳлил этилган. Шунингдек, унинг издошлари сифатида бугунги замонавий тиббиёт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Бухоро давлат тиббиёт институтининг 30 йиллик тарихи ва фаолияти натижалари қисқа баён этилиши орқали истиқболдаги режа ва ғоялари атрофлича ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таълим, илмий, мерос, маънавият, Бухоро, тиббиёт, институт, тарих, бугун, истиқбол, режа, ғоя, қадрият.

## 30 ЛЕТНИЙ ОПЫТ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА В РАЗВИТИЕ УЧЕНИЯ ИБН СИНЫ И СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЫ

Турсунов К.С.,

Бухарский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме

В статье анализируются учение Абу Али ибн Сины и его богатое научное и духовное наследие. Также дается краткий обзор 30-летней истории и результатов деятельности Бухарского государственного медицинского института, который, как последователь, вносит достойный вклад в развитие современной медицины, и подробно освещаются планы и идеи на будущее.

Ключевые слова: образование, наука, наследие, духовность, Бухара, медицина, институт, история, сегодня, перспектива, план, идея, ценность.

## 30 YEARS EXPERIENCE OF THE BUKHARA STATE MEDICAL INSTITUTE IN THE DEVELOPMENT OF THE TEACHING OF IBN SINA AND MODERN MEDICINE

Tursunov K.S.,

Bukhara State Medical Institute.

### ✓ Resume

The article analyzes the teachings of Abu Ali Ibn Sina and his rich scientific and spiritual heritage. It also provides a brief overview of the 30-year history and results of the Bukhara State Medical Institute, which, as a follower, makes a worthy contribution to the development of modern medicine, and provides detailed coverage of future plans and ideas.

Key words: education, science, heritage, spirituality, Bukhara, medicine, institute, history, today, perspective, plan, idea, value.

### Долзарблиги

Жаҳон тарихида ўзининг ноёб истеъдоди ва теран тафаккури билан ўчмас из қолдирган ватандошимиз Абу Али ибн Сино илмий меросини ўрганиш бу нафақат тиббиёт ходимлари балки, турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган мутахассислар учун ҳам ниҳоятда улкан аҳамиятга эгадир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда "Ўқитувчи ва мураббийлар" кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машғаласи тўққизинчи - ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳон-

шумул илмий-иждоий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди". [1]-деб таъкидланганлиги ҳам алломанинг илмий меросининг юксак эътирофидир.

Абу Али ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топди. Замондош олимлар томонидан "Шайх ур-раис" (олимлар йўлбошчиси, устози), ғарбда - "Файласуфлар султони" ва "Шифокорлар подшоҳи" номи билан шуҳрат қозонди. Унинг номи барча даврларнинг кўзга кўринган, маълум ва машҳур олимлари, файласуфлари ва маърифатпарварлари ичида ҳам энг ёрқиндир. Ибн Синонинг ижоди бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Европа фани ҳамда маданиятига салмоқли таъсир кўрсатди. Бухоро заминида ўсиб улғайди ва жаҳонга таниқли аллома сифатида шаклланиб олимларнинг олими номига эришди. Унинг таъбабатга оид энг йирик шохасари "Тиб қонунлари" беш асрдан ортиқ муддат давомида Шарқ ва Ғарб табиблари учун асосий қўланма ва дарслик вазифасини ўтаб келди. Шу нуқтаи-назардан қараганда Ўзбекистоннинг Биринчи Президен-

ти И.Каримов "Бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, - деб айтишга барча асослар бор" [2] деган фикрлари аини ҳақиқатдир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг номлари тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш ва асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ибн Сино номи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўқув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилган, аллома шарафига медал ва мукофотлар таъсис этилган.

Буюк бобокалонимизга бўлган бундай юксак эътироф 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида дунёнинг 50 яқин мамлакатларининг етакчи илмий марказларининг кўплаб олим ва мутахассислари иштирокида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро анжуманда "Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири" деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади"[3] деган таърифлар барчамизга яна бир бор ифтихор бахш этади.

Маълумки, инсон доимо мукамаллик сари интилиб яшаган. Шу йўлда тарбия олган, илм-маърифат ўрганган. Бу осон бўлмаган. Аммо одамзот иродаси кўп нарсасга қодир. Шу орқали у билимлар манбаини кашф эта борган. Табобат унинг энг буюк кашшофлигидир. Абу Али ибн Сино таваллуд топган Бухоро замида буюк ватандошимизнинг илмий ва бой маънавий меросини чуқур ўрганиш мақсадида 1990 йилнинг 6 сентябрда Бухоро давлат тиббиёт институти ташкил этилди. [4, 5]

Шу ўринда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти фаолиятини йўлга қўйилишида бевосита ўзининг ташкилотчилиги ва ташаббуси билан катта ҳисса қўшган инсонлар хизматини ёдга олиш жоиздир. Булар: профессор Бахрамов Саиджалол Махмудович 1989-1991 йиллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва вазир ўринбосари, профессор Шаҳоб Шамсиевич Ҳамроев, Дамир Солиҳович Ёдгоров 1989-1993 йиллар Бухоро вилояти ҳокими, академик Шавкат Ибрагимович Каримов 1991-2000 йиллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда институтимизнинг биринчи ректори, профессор Акрам Ибрагимович Мўминовдир. Шу ўринда институтнинг 30 йиллик фаолияти давомида ўзининг фидокорана меҳнати билан шогирдлари қалбида абадий хотира бўлиб қолган 50 дан ортиқ марҳум устозларнинг муносиб умр йўли кўз ўнгимизда гавдаланади. [6]

Институтнинг тарихан қисқа 30 йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими-га жами 10787 нафар, шундан 6548 нафар даволаш иши, 2910 нафар стоматология, 807 нафар тиббий педагогика ҳамда 522 нафар олий ҳамширалик иши йўналишларида олий маълумотли шифокор кадрлар тайёрланди. Бундан ташқари, институтда ўтган йиллар мобайнида клиник ординатура йўналишида 3000 нафарга яқин тор соҳа мутахассислари етишиб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, аини пайтда ушбу битирувчиларимизнинг 284 нафари хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва клиникаларида фаолият олиб бормоқдалар. Ушбу битирувчиларнинг 20 нафари фан доктори, 100 нафардан ортиги фан номзоди ва тиббиёт фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD), доцентлар. Шунингдек, 55 нафардан ортиги республика миқёсидаги илмий марказларида раҳбарлик лавозимларида, 370 нафардан ортиқ собиқ талабалар вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасаларида бош врач ва бўлим бошлиқлари лавозимларида фаолият олиб бормоқда. 200 нафардан ортиги эса хорижий ва мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида педагогик фаолият билан машғул.

Бугунга қадар институтнинг иқтидорли талабаларидан 100 нафардан ортиги Президент, Ислом Каримов, Абу Али ибн Сино шунингдек, Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари стипендияси совриндорлари бўлишган. Шу билан бирга институтнинг 300 дан ортиқ талабалари турли хилдаги ижтимоий йўналишдаги кўрик танловлар, грантлар соҳиблари бўлишди.

XXI аср янги педагогик технологиялар даври, деган шиор ҳозир кенг эътироф этилмоқда. Институт профессор-ўқитувчилари салоҳиятининг тобора ошиб бораётганлиги, халқаро илмий алоқаларни кенгайтириб бориши, ўтказилаётган илмий-амалий анжуманларнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Шу пайтга қадар институтда 30 дан ортиқ халқаро, 50 дан ошиқ республика миқёсидаги тиббиёт муаммоларига бағишланган анжуманлар ўтказилган. Хусусан хорижий мамлакатлар, ташкилотлар ва олий ўқув юртлари (Жанубий Корея, Россия, Япония, Франция, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Словакия ва бошқалар) билан 100 га яқин шартномалар тузилиб, илмий ишларда даволашнинг замонавий услубларини қўллаш бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Юқорида эътироф этганимиздек, институт бугун халқаро миқёсда ҳам ўз нуфузига эга. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган тўртинчи йўналишида соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш масаласи ўз аксини топган бўлиб, бунда педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда стажировкасини ўтказишларини таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўтган йиллар мобайнида институт профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий ва республиканинг нуфузли илмий журналларида 3500 тадан ортиқ мақола чоп этилиб, 6000 тадан ортиқ халқаро ва республика илмий анжуманларида маърузалар билан иштирок этилди. Шунингдек, 150 дан ортиқ илмий ишланмалар учун патентлар олинган.

Институтнинг олимлари томонидан 100 дан ортиқ монография, 40 яқин дарслик, 500 дан ортиқ ўқув, ўқув-услубий қўлланма яратилди. Таълим даргоҳида 170000 китоб фондига эга замонавий Ахборот ресурс маркази ташкил этилган.

2000 йилда Абу Али ибн Синонинг қолдирган бой илмий меросини ўрганиш ва тиббиёт амалиётида тадбиқ этиш мақсадида Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти

томонидан Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузурида Халқаро ЮНЕСКО "Шарқ табobati" кафедраси ташкил этилди. Мазкур кафедрада ўтган давр мобайнида Ибн Синонинг табобатда қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш, назарий ва амалий Шарқ табobatiни ривожлантириш мақсадида алламанинг таълимотига асосланган "Халқ табobati" фанининг намунавий дастури ишлаб чиқилиб, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди. Бугунги кунда институт талабаларга 132 соат ҳажмда ўқитиш жорий этилди. Фаннинг асосий мақсади тиббиёт институтлари талабаларига алломанинг ўз давридаги табобат илмини мужассамлаштирган "Тиб қонунлари" асари асосида тиббиёт сирларини ўргатиш ва уни замонавий тиббиёт билан биргаликда амалиётда қўллашдан иборат.

Ўтган давр мобайнида ушбу кафедрада Ибн Сино бой илмий меросига асосланган 90 дан ортиқ китоб, қўлланмалар, монографиялар, электрон манбалар чоп этилди. Амалий соҳадаги ишларда Ибн Сино таълимотига таянган ҳолда 20 дан ортиқ табиий доривор ўсимликлар устида илмий изланишлар қилинмоқда. Жумладан, Ибн Сино тавсияларига асосланган ҳолда тайёрланган "Султон-ул-қувват" ва "ALUM" дори воситаси устида даволаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боримокда. Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш жоизки, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, институтда "Халқ табobati" мутахассислиги бўйича кадрларни ўқитиш йўлга қўйилди.

Ҳар йили Республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган инновацион ярмаркаларда институт профессор-ўқитувчилари Ибн Сино таълимоти асосида яратилган илмий ишланмалари билан фаол иштирок этиб, имтиёзли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Мамлакатимизда Абу Али ибн Сино Халқаро Жамғармаси ташкил этилган илк кунлардан бошлаб, Бухоро давлат тиббиёт институти билан яқин ҳамкорликда қўлаб тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бугун кунга қадар буюк аллома ҳаёти ва меросини ўрганишга бағишланган 20 га яқин Халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Ушбу анжуманларда 50 дан ортиқ етакчи хорижий ҳамда 200 дан ортиқ мамлакатимиз олимлари ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқдалар. Мазкур анжуманда Франция, Эрон, Индонезия, Жазоир, Туркия давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган.

Айни пайтда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида 5 та факультет, 40 та кафедра фаолият юритиб, унда 8 та йўналишда бакалаврият, 30 дан ортиқ мутахассислик бўйича магистратура ва 50 дан ортиқ мутахассислик бўйича клиник ординатура, жами 5160 нафардан ортиқ талаба ва резидентлар таҳсил олишмоқда. Институтда жами 430 нафар профессор-ўқитувчи, шундан 27 нафар фан доктори, профессорлар, 143 нафар фан номзоди ва тиббиёт фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD), доцентлар, 260 нафар катта ўқитувчи ва ассистентлар фаолият олиб боришмоқда. Институтнинг илмий салоҳияти 40 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этади. Бугунга келиб институтда ўзбек ва рус тилларидан ташқари инглиз тилида ҳам таҳсил олувчи гуруҳларнинг мавжудлиги билан ҳам тахсил олиш имконини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича

комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5590-сонли Фармонига асосан институтда хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик, уларнинг факультетлари ва филиалларининг очилиши ҳамда икки томонлама диплом берилиши тизимини жорий этиш бўйича 2019-2020 ўқув йилида бошлаб, Россия, Хитой, Туркия, Ҳиндистон ҳамда Польша давлатларининг ОТМ билан ҳамкорликда 10 дан ортиқ қўшма лойиҳалар асосида кадрлар таёрлаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистондаги хорижий мамлакатларда ўз филиалини ташкил этган илк олий таълим муассасасига айланди.

Гап шундаки, институт Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳридан 20 км. узоқликда жойлашган Ноида халқаро университети базасида ўз филиалини ташкил этиш бўйича меморандум имзолади. Унга биноан 2020-2021 ўқув йилидан институт профессор-ўқитувчилари МББС (Тиббиёт ва жарроҳлик бакалаври) дастури асосида ўқишга қабул қилинган Ҳиндистон фуқароларига ўз мамлакатларида таҳсил беришади. Келишувга биноан, Ноида халқаро университети таълим жараёни учун зарур инфратузилма, моддий-техник база, ўқув лабораториялари ҳамда клиник базалардан фойдаланиш бўйича ёрдам кўрсатади. Ўқишга қабул қилинган талабалар биринчи икки йилни Ҳиндистонда, қолган 3 йилни эса Бухорода ўтказишади. Бу бугунги пандемия шароитида хинд талабаларининг ўз ватанларида туриб таҳсил олишлари учун ҳам қулай имкониятдир.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Ноида халқаро университети ҳамда "PeopleHive" компанияси ўртасида имзоланган ушбу уч томонлама меморандум мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаро жозибадорлигини таъминлашда, таълим экспорти орқали институт моддий барқарорликни оширишда ҳамда халқаро рейтингларда ўрин эгаллашига асосий восита бўлиб хизмат қилади. [7]

Шуни алоҳида мамнуният билан қайт этиш лозимки, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирга қадар замонавий тиббиёт илми ривожига муносиб ҳисса қўшган 250 дан ортиқ бухоролик олимлар етишиб чиқди. Албатта бунда Бухоро давлат тиббиёт институтининг ташкил этилиши тиббиёт йўналишидаги илмий мактаблар ва кадрлар тайёрланишига муносиб замин яратилди. Жорий йилда мазкур олимлар фаолиятини ўзида мужассам этган "Ибн Сино ворислари" номли китоб тайёрланди.

Мазкур китоб Муқаддима, Бухоро тиббиёти тарихи, мустақиллик йилларида Бухорода тиббиёт соҳасида амалга оширилган ишларга бир назар. Ибн Сино ворислари ҳамда хотима каби бўлимларни ўз ичига олади.[8] (Бухоро давлат тиббиёт институти олимлари жами 143 нафар, 7 факультет ва 38 кафедра кесимида 55 нафар вилоят тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган олимлар, 21 нафар Республикаимиз ва хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган олимлар 29 нафар марҳум устозлар) фаолияти ёритилган.

Институтда талабаларнинг тантанали "Шифокорлик қасамёди" қабул қилиш тадбири ибн Сино таваллуд топган қадимий Афшона қишлоғида буюк бобокалонимиз номи билан аталадиган мажмуадаги муҳташам ҳайкал пойига ўтказиш анъанага айланган ва бундай имкониятга фақат мазкур институт талабалари муяссар бўлаётгани уларда улкан фахр ва гурурни уйғотади.

Абу Али ибн Синонинг бой илмий меросини институт жамоасига ва кенг жамоатчиликка фаол тарғиб этиш мақсадида 2002 йилдан "Ибн Сино ворислари" илмий-оммабоп, маънавий-маърифий газетаси нашр этила бошлади. Мазкур газета 2012 йилдан институт ва вилоятдаги тиббиёт коллежлар ҳамда академик лицейлари муассислигида чоп этилмоқда.

Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижоди, у яшаган давр ва мамлакатимиз, хусусан вилоятимизда тиббиёт ҳамда институт тарихини ўзида кенг акс эттирган "Абу Али ибн Сино" номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти музейи ташкил этилган.

Юртимиз илм-маърифати, соғлиқни сақлаш тизими тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти 30 ёшга тўлди. Олийгоҳ бу давр ичида салмоқли йўлни босиб ўтди. Тарих олдида бу қисқа муддатдир, бироқ шу қисқа даврда институт пойдевори шаклланди, унинг ўзига хос ва мос йўли ҳамда маъқеъи намоён бўлди. Таъкидлаш жоизки, бунда институтнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ходимларининг фидокорона меҳнатлари алоҳида эътирофга лойиқдир. Шу билан бирга, унинг маҳаллий ва ривожланган хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро дўстона ва манфаатли алоқалари кенгайиши баробарида ўрни ва салоҳиятини кўрсата олди. Бугун шуни қувонч ва мамнуният билан айтиш мумкинки, институтда тайёрлаган кадрлар мамлакатимиз тиббиёти ва тиббий илм ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Абу Али ибн Синонинг инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган тиб илми мустақиллик йилларида кенг қўлоқ ёзди. Мустақиллик, аввало, Абу Али ибн Сино илмий ижодий меросини ўрганиш ва қадрига етиш имконини яратди. Тиб илми соҳасида аллома илгари сурган ғоялар мустақил давлатимиз ижтимоий сиёсатининг етакчи йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг халқаро тажрибага мувофиқ такомиллаштирилган индикаторлар асосида 2019 йилнинг февраль-июнь ойларида республиканинг 57 та олий таълим муассасалари (филиаллари билан бирга) фаолияти таҳлил қилинди ва 2019 йил 1 январь ҳолатига уларнинг рейтинг натижалари тайёрланди. Қувонарли жиҳати мазкур таҳлил натижаларига кўра институт ўтган йилги рейтингдаги 43-ўриндан юқорига қўтарилиб, 16-ўринга чиққан бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 12-ўринга чиқди.[9] Бу эса Республикаимизда тиббиёт соҳасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Албатта, бу улкан ютуқ замирида ҳам олийгоҳ профессор-ўқитувчи ва ходимларининг машаққатли меҳнати турганлигидан далолат.

Бу натижалар институт учун ҳали дебача ютуқдир ва яқин йилларда ушбу жамоа нафақат миллий балки, халқаро рейтингларда ҳам муносиб ўринларга эриша олади. Институтда ўттиз йилда амалга оширилган бундай ишлар келажакдаги фаолиятта пойдевор бўлиши муқаррар.

Салоҳиятли кадрлар масаласи барча замонларда ҳам мамлакат барқарор ривожланишининг муҳим омили саналган. У айниқса, аҳоли сиҳати билан боғлиқ бўлса, масалага янада катта эътибор қаратиш лозимдир. Унинг амалий ифодасини Ибн Синонинг муносиб ворислари бўлишни орзу қилган ёшларга ҳам

назарий, ҳам амалий билимларни ҳамоҳанг тарзда ўзлаштиришлари учун шароит ва имкониятлар яратиладиган Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги биноси мисолида кўрамиз. Бугун каттагина қурилиш майдонида ишлар жадал суратларда давом этмоқда.

Бугун кунда мамлакатимиз таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимларида олиб борилган кенг ислохотлар натижасида Бухоро давлат тиббиёт институти йирик олий таълим муассасаларидан бирига айланмоқда. У ташкил топганидан то ҳозиргача нафақат юртимиз, балки узоқ ва яқин хориж мамлакатлари учун ҳам зарур юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

Бухоро давлат тиббиёт институтида амалга оширилган хайрли ишларни сарҳисоб қилинар экан, ифтихор билан айтиш мумкинки, мазкур таълим даргоҳида фан, таълим, ишлаб чиқариш ва даволаш-профилактика ўртасида инновацион ўзаро манфаатли ҳамкорликлар йўлга қўйилгани, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар мавжудлиги, таркибида кўп йиллик анъаналарга эга илмий мактабларнинг борлиги унинг истиқболи юксаклигидан далолат бера олади.

Бухорои шариф минглаб йиллик тарихи давомида кўпдан кўп олиму фозиллари билан дунёга машҳур бўлган. Аммо, Абу Али ибн Синонинг Бухоро шухратини оламга таратишдаги хизматлари айниқса беқиёсдир. Шунинг учун Сино юртида туғилиб вояга етган тибб ходимининг ўз халқи олдидаги масъулияти жуда юксакдир. [10,11]

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабаларга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида етук мутахассис кадрлар бўлиб етишиш учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, улар буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг муносиб издоши бўлиб етишади ва бунинг учун мамлакатимизда барча асослар мавжуд.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар - янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://xs.uz.30.09.2020> й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият". 2008 й.
3. И.Каримов Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти.// Халқ сўзи. 2014 й. 17 май.
4. Ўзбекистон Министрлар Советининг 1990 йилнинг 6 сентябрдаги 307-сонли қарори. Тошкент. 1990 й. (БДТИ музейи архиви маълумоти)
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: "Ўзбекистон". 2011 й. 440 б.
6. Қ.Турсунов, З.Ахмедова, Х.Кенжаева, Н.Рахматов "Барҳаёт сиймолар" Бухоро "Дурдона" нашриёти. 2020 й. 216 б.
7. Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон ОТМ ичида биринчи бўлиб хорижда ўз филиалини очди. [www.https://xz.uz.29.09.2020](http://xz.uz.29.09.2020) й.
8. Қ.Турсунов, З.Ахмедова, Х.Кенжаева, Н.Рахматов "Ибн Сино ворислари" Бухоро "Дурдона" нашриёти. 2020 й. 526 б.
9. Республика ОТМ миллий рейтинги эълон қилинди. [www.https://uza.uz.17.10.2020](http://uza.uz.17.10.2020) й.
10. Р.Ахмедов, Н.Наимов Бухоро тиббиёти тарихи. "Бухоро" нашриёти. 2009 й.238 б.
11. Н.Рахматов, С.Мардонова Абу Али ибн Сино асарларида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ва инсон камолоти. // "Тиббиётда янги кун" журнали 2020 йил №1 (29), 74-77 б.

Келиб тушган вақти: 09.11. 2020